

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида VII Талабалар Медиа-конференцияси бўлиб ўтди

30 апрел 2016



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистонда интернет журналистикаси ривожининг долзарб масалаларига бағишланган талабаларнинг VII анъанавий медиа конференцияси бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар, интернет тармогида фаолият юритаётган мутахассислар, блогерлар иштирок этди.

Медиа-конференциянинг мақсади Ўзбекистонда Интернет- журналистика соҳасини ривожлантириш ва Интернетни истиқболли оммавий ахборот воситаси сифатида тарғиб этишдан иборатдир.

Тадбирда мазкур анжуманнинг Ўзбекистонда Интернет-журналистика соҳасининг ривожланиши ва бўлажак журналистларнинг касбий фаолиятининг шаклланишида тутган ўрни ва аҳамияти таъкидланди. “Бу тадбирнинг эътиборли томони шундаки, унда талаба ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда Интернет-журналистика соҳалари тажрибали мутахассислари билан интерфаол усулда ўзаро фикр алмашиш, замонавий журналистика ва медиа тизимининг муаммолари юзасидан ўз нуқтаи назарини билдириш имконияти яратилади”, дейди ЎзМУнинг журналистика факультети декани М.С.Мирсоатова.

Талабалар “Краудсорсинг ва краудфандинг нима?”, “ОАВда краудсорсинг имкониятларидан фойдаланиш”, “Краудфандинг муаммолари ва имкониятлари” мавзуларига бағишланган шўба йигилишларида қизиқарли, илмий асосланган ва кўргазмали тақдимотлари билан иштирок этдилар. Ўз маърузаларида улар Интернет-журналистиканинг мазкур янги атамаларига таъриф бердилар, соҳа ривожига дахлдор долзарб муаммоларга эътибор қаратдилар ва уларни ҳал этиш бўйича ўз тавсия ва таклифларини билдирдилар.

Иштирокчиларнинг маърузаларидан сўнг энг яхши гоя муаллифи, энг яхши спикер, энг яхши тақдимот, энг яхши модератор, энг яхши савол, энг яхши ташкилотчи, йил профессионали, энг яхши ахборот ҳамкори, томошабин танлови, энг яхши ҳамкор номинациялари бўйича тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ғолиблар тадбир ташкилотчилари томонидан сертификатлар ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.